

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абидов М.И.

ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий назоратни ташкил этишнинг ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Франция тажрибалари, шунингдек молиявий назоратнинг стандартлари кўриб чиқилган. Олиб борилган изланишлар натижаларига кўра, молиявий назоратни ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибаларини ҳамда молиявий назоратнинг стандартлаини Ўзбекистонда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий назорат, аудит, давлат молиявий назорати стандартлари, бюджет маблағлари, самарадорлик, фискал назорат, ички аудит.

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт развитых стран, в частности США, Германии, Великобритании и Франции, а также стандарты финансового контроля для организации финансового контроля. По результатам проведенного исследования были разработаны предложения по использованию передового зарубежного опыта в организации финансового контроля и стандарту финансового контроля в Узбекистане.

Ключевые слова: финансовый контроль, аудит, стандарты государственного финансового контроля, бюджетные средства, эффективность, фискальный контроль, внутренний аудит.

Abstract. This article examines the experience of developed countries, in particular the USA, Germany, Great Britain and France, as well as financial control standards for the organization of financial control. Based on the results of the study, proposals were developed on the use of advanced foreign experience in the organization of financial control and the standard of financial control in Uzbekistan.

Key words: financial control, audit, standards of state financial control, budget funds, efficiency, fiscal control, internal audit.

Кириш. Молиявий назоратнинг барча турларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларни амалга ошириш (шу жумладан қўлланиладиган усул ва ёндашувлар нуқтаи назаридан) махсус норматив — ҳукуқий ҳужжатлар-стандартлар билан тартибга солинади. Хорижий давлатлар томонидан молиявий назоратни амалга ошириш бўйича ўз стандартларини ишлаб чиқилган. Республикамизда ҳам сўнгги йилларда молиявий назорат тизимини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда, аммо халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва мослаштириш ушбу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиёти ривожланган давлат молиявий назорат механизмларини кучайтириш орқали давлат маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишга эришган. Ушбу мақолада илғор хорижий

тажрибалар асосида Ўзбекистонда молиявий назорат тизимини такомиллаштириш имкониятлари таҳлил қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Давлат молиявий назорати хусусида иқтисодчи олимлар томонидан муайян тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, грузиялик иқтисодчи олимлар таъкидлашича “мустақил давлат назорати органи томонидан молиявий ресурсларни самарали назорат қилиш маблағларнинг мақсадли сарфланишини рағбатлантиради ва мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади” [1].

Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети олимлари фикрича, “бюджет ташкилотлари фаолияти устидан молиявий назоратни амалга оширишга давлат бошқаруви органларининг муҳим вазифаси сифатида қаралиши, бу уларнинг самарадорлигини оширишга, бюджет маблағларидан тежамкор, оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиши зарур. Макроиқтисодий даражада назорат қилишдан ташқари, фаолиятнинг ички аудитига ҳам катта эътибор қаратиш лозим” [2].

Н.С.Матвеева молиявий назорат хусусида тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги хулосага келган: “молиявий назорат давлат бошқаруви тизимининг муҳим қисмига айланди, янги назорат вазифалари пайдо бўлди. Бюджет маблағларидан мақсадли ва қонуний фойдаланилишини назорат қилиш билан бирга, маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларни тақсимлашнинг асослилигини назорат қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди” [3].

Л.Н.Овсянников тадқиқотларида “молиявий назорат – давлат ва мулкдорлар томонидан ўрнатилган қонунчилик, меъёр ва қоидалар талабларига молиявий муносабатлар қатнашчиларининг амал қилишини махсус ваколатли органлар томонидан текширишни назарда тутиши” келтириб ўтилган [4].

Ш.Ў.Азизов ҳам молиявий назорат хусусида тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги фикрни келтириб ўтган: “молиявий назоратнинг мақсади давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро самарали хатти-ҳаракати акс этган молиявий сиёсатга қаритилган фаолияти натижасида мамлакат иқтисодиётидаги тармоқ, соҳа ва бўғинлардаги молиявий ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашдан иборат” [5].

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларда асосан молиявий назоратнинг моҳияти очиб берилган. Бироқ давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибалари атрофлича ёритиб берилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Давлат молиявий назорати органларининг ишлаш тамойиллари маълум бир мамлакатда шаклланган молиявий назорат моделига боғлиқ ҳисобланади. Илғор тажрибаларни аниқлаш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг давлат молиявий назорати соҳасидаги тажрибаси таҳлил қилинди. Тадқиқот учун танланган мамлакатлар давлат молиявий назорати соҳасида катта тажриба тўплаган ва ушбу соҳада

стандартлаштириш жараёнини фаол ривожлантиришда давом этаётган мамлакатлардир.

Хорижий давлатлардаги давлат молиявий назорати органлари белгиланган вазифаларга мувофиқ бюджетларнинг ижроси, давлат маблағларининг мақсадли сарфланишини ва давлат мулкидан фойдаланишни назорат қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат молиявий назорати органларининг тўртта асосий тури мавжуд бўлиб қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (жадвал).

Тегишли олий молиявий назорат институтларининг давлат бошқаруви органлари тизимидаги жойлашуви бўйича хорижий мамлакатларда назорат-тафтиш ишларининг ташкилий схемаси қуйидаги шаклга эга:

1. Ҳисоб трибуналлари (судлар) – молиявий операциялар ва маъмурий қарорларни текшириш учун нейтрал ваколатли коллегиял органлар (Германия, Португалия, Италия, Голландия, Франция, Бразилия, Белгия, Испания, Руминия);

Жадвал

Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат молиявий назорати органларининг асосий турлари¹⁴.

Давлат молиявий назорати органларининг асосий турлари:		
1	Аудиторлик судлари	Франция, Белгия, Люксембург, Португалия, Испания, Италия
2	Суд функцияларига ега бўлмаган коллегиял органлар	Нидерландия, Германия
3	Бош назоратчи бошчилигидаги мустақил назорат бошқармалари	Буюк Британия, Ирландия, Дания
4	Ҳукумат тузилмасидаги назорат бошқармалари	Швеция, Финляндия

2. Ҳисоб (назорат) палаталари-парламент номидан бюджет ижроси ва молиявий ва бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилувчи органлар (Австрия, Венгрия, Полша, Болгария, Япония);

3. Миллий аудиторлик идоралари (Бош Auditor идораси) мустақил коллегиял (Чехия) ва монократик (Канада, Дания, Буюк Британия, Исландия, Австралия, Исроил) давлат секторининг молиявий ва маъмурий текширувларини ўтказишга ваколатли давлат органлари.

Хорижий давлатларда давлат назоратининг ташкилий тузилмаси, маълум бир вазирликлар тизимида давлат маблағларининг тўғри сарфланиши устидан ички назоратни таъминлайдиган ўз назорат органларининг бўлишини назарда тутди. Хусусан, Германияда тегишли федерал тузилмаларнинг назорат-тафтиш бўлинмалари Федерал ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда ички аудит тадбирларини ўтказадилар.

¹⁴ Муаллиф томонидан интернет манбалари маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда молиявий назорат органлари давлат харажатларини текшириш билан бир қаторда бюджетнинг даромад қисми аудитини амалга оширишлари одатий ҳолдир. Бунда, давлат молиявий назоратининг олий органлари фискал назоратни амалга оширмайдилар ҳамда солиқ хизматларининг функцияларини такрорлашмайди. Даромадлар аудити консолидациялашган ва маҳаллий бюджетларнинг ижросини, давлат жамғармаларини шакллантириш, давлат корхоналари фойдаси ва бошқаларни молиявий-иқтисодий таҳлил қилиш давомида ўтказилади. Шу каби даромадларни текшириш схемаси Голландия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Туркия ва Кореяда қўлланилади.

Бундай тизимнинг вазифаси амалдаги қонунлар ва стандартлардан оғишларни, шунингдек, қонунийлик, самарадорлик, ресурсларни бошқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ва тежамкорлиги принципларининг бузилишини аниқлаш ва келажакда ушбу қоидабузарликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар қўришдан иборат ҳисобланади.

Хулоса. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, молиявий назорат соҳасида стандартлаштиришни кенг қўллаш муҳим ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда стандартлар турли хил назорат соҳалари учун ишлаб чиқилмоқда ва кўпинча уларни қўллаш бўйича қўшимча амалий қўлланмаларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда вазирлик ва идораларда ички назорат бўлинмалари (комплаенс, ички аудит) ташкил этилган. Бироқ, уларнинг фаолиятини етарлича самарали деб айтиб бўлмайди. Мамлакатимизда молиявий назорат соҳасида ваколатга эга бўлган органларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида илғор янги технологияларни ва стандартларни жорий қилиш имкониятларини кўриб чиқилиши лозим. Соҳада замонавий ахборот технологияларини қўллаш, шунингдек, молиявий назорат соҳасида стандартлаштириш орқали ҳар бир давлат органига ички молиявий назорат ва ички аудитнинг самарали тизимини яратиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш зарур ҳисобланади. Бу ўз ўрнида иқтисодий барқарорлик ва давлат маблағларининг самарали бошқарилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Tamar Atanelishvili, Mikheil Chikviladze. About state financial control. //Ecoforum, Volume 6, Issue 1(10), 2017.
2. Prokofiev S.E., Muravleva T.V., Kirillova O.S., Galkin A.I. Criteria of differentiation of forms and methods of state financial control in Russia. // Earth and Environmental Science, 650 (2021).
3. Матвеева Н.С. Международный опыт осуществления государственного финансового контроля. // Финансовый журнал, №2 2020. Стр. 69-95.
4. Овсянников Л.Н. Игра без правил. // Финансы, 2001, №12. С.56-57.